

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УБАЙДУЛЛАЕВ ФАРХОД БАХТИЯРУЛЛАЕВИЧ**

**ОДДИЙ СОХТА КАШТАН ВА ЯПОН СОФОРАСИ КЎЧАТЛАРИНИ  
ЕТИШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИКАСИНИ ЯРАТИШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни  
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя  
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

<b>Убайдуллаев Фарход Бахтияруллаевич</b> Оддий сохта каштан ва япон софораси кўчатларини етиштиришнинг агротехникасини яратиш.....	3
<b>Убайдуллаев Фарход Бахтияруллаевич</b> Создание агротехники выращивания саженцев конского каштана и софоры японской .....	19
<b>Ubaydullayev Farkhod Bakhtiyarullayevich</b> Creation cultivation agrotechnics of horse chestnut and sophora japanese seedlings .....	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УБАЙДУЛЛАЕВ ФАРХОД БАХТИЯРУЛЛАЕВИЧ**

**ОДДИЙ СОХТА КАШТАН ВА ЯПОН СОФОРАСИ КЎЧАТЛАРИНИ  
ЕТИШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИКАСИНИ ЯРАТИШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни  
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя  
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx193 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кожаметов Советбек Кожаметович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Фарход Исомиддинович**  
биология фанлари доктори

**Ҳамроев Хусен Фатуллоевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» март, соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tgau-info@edu.uz](mailto:tgau-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «7» март куни тарқатилди.  
(2020 йил «28» феврал даги 01.1 -рақамли реестр баённомаси).

**Б.А. Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

**М.М. Адиллов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли жойларини кўкаламзорлаштиришда манзарали дарахтларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Кўкаламзорлаштириш учун оддий сохта каштан ва япон софораси истиқболли манзарали дарахт турлари ассортиментига киради. Сохта каштан ва япон софораси дарахт кўчатлари Европа, Шарқий Осиё ва Шимолий Американинг кўплаб давлатларида манзарали боғлар ва парклар қурилишида, аҳоли турар жойлари ва магистрал йўл атрофларини кўкаламзорлаштиришда ҳамда шифобахш дарахт ўсимлиги сифатида етиштирилади<sup>1</sup>. Дунё бўйича, йилига ўртача АҚШда 540 минг дона, Англияда 480 минг дона, Украинада 380 минг дона сохта каштан ва Хитойда 700 минг дона, Японияда 235 минг ва Кореяда 25 минг донагача япон софораси дарахт кўчатлари етиштирилади.

Дунё бўйича кўчатчиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилиб, кўчатзорда стандарт кўчатлар улушини ошириш, кўчат етиштириш муддатини қисқартириш, кўчатларни тутиб қолиш даражасини ошириш, манзарали боғ-парклар сифатини ошириш, яшил дарахтзорлар сифат таркибини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>2</sup>. Оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum* L.) ва япон софораси (*Sophora japonica* L.) кўчатларини ўсиши ва ривожланишини бошқариш, сақланиб қолиш даражасини ошириш, яшил дарахтзорларда экилганда тутиб қолиш даражасини бошқариш борасида олиб борилган илмий изланишлар асосида муҳим натижаларга эришилган.

Бугунги кунда, Республикамизда аҳоли жойларини кўкаламзорлаштиришда манзарали дарахтларга талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, оддий сохта каштан ва япон софорасига ҳамда бошқа хушманзара гуллайдиган дарахт турларининг кўчатларига эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбекистонда 2008-2012 йиллар давомида япон софорасининг 8,1 миллион дона, оддий сохта каштаннинг 1,2 миллион дона кўчатларини тайёрлаш топшириғи берилган эди<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишлари бўйича бир қатор вазифалардан бири, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» дан иборатлиги белгилаб берилган<sup>4</sup>. Шунга кўра, манзарали кўчатчилик билан шуғуландиган мутахассислар ва ўрмончилар олдига истиқболли ва иқтисодий самара берадиган, ҳамда стандарт талабларга мос равишда манзарали дарахт кўчатларни етказиб беришнинг жадал агротехнологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифаси белгилаб берган.

<sup>1</sup><https://www.encyclopedia.com/plants-and-animals/plants/horse-chestnut>

<sup>2</sup><http://www.missouribotanicalgarden.org/PlantFinder/PlantFinderDetails.aspx?taxonid=254548>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги 186-сонли «Япон софораси» ва «Кон каштанни» ёғочбоп дарахтзорларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси маълумотларига кўра 2017 йилда ўрмон хўжаликлари тизимидаги хўжаликларда 110 минг донадан ортиқ оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum* L.) ва 170 минг донадан ортиқ япон софораси (*Sophora japonica* L.) кўчатлари ўрмонларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш мақсадида экилган. Бундан ташқари бу турлардан шаҳар-қишлоқларни кўкаламзорлаштиришда, автомобиль йўллари атрофини ободонлаштиришда кенг фойдаланилиб келинмоқда. Бугунги кунда ўрмонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда кенг ишлатиладиган бу икки дарахт турини муайян шароитда арзон ва сифатли кўчатини етиштиришнинг агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўрмон тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПК-2966-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги 186-сонли «Япон софораси» ва «Кон каштанни» ёғочбоп дарахтзорларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациятадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оддий сохта каштан ва япон софораси кўчатларни етиштириш технологиясини ўрганиш бўйича кўчатларни мақбул меъёردа ўғитлаш, суғориш режимини аниқлаш, ўстирувчи моддаларни қўллаш ва биологик барқарор кўчатларни қисқа муддатларда етиштириш бўйича республикамизда ва дунёнинг бир қатор давлатларида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Украинада П.Г.Кальной, А.С.Коверга, Латвияда Г.Я.Ринькис, Россияда Н.А.Красильников, Ф.А.Павленко, М.Х.Чайлахян, Г.Ю.Пирогов, Норвегияда J.Burg, АҚШда J.F.Couch, J.Naghski, С.Ф.Krewsonлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда дарахт ва бута ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Т.А.Желтикова ва С.К.Кожаметовлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бунда, кўчатларни мақбул меъёрдa ўғитлаш, суғориш режимини аниқлаш, ўстирувчи моддаларни қўллаш орқали ташки омилларга чидамли бўлган, биологик барқарор кўчатларни қисқа муддатларда етиштириш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда илмий асосланган.

Аммо, оддий сохта каштан ва япон софорасининг уруғкўчатлари ҳамда уларнинг ривожланиш фазаларини ҳисобга олган ҳолда кўчатларни етиштиришда комплекс агротехник тизим ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган КХА-8-029-II «Агротехника ускоренного выращивания посадочного материала конского каштана и сафоры японской» (2009-2011 йй.), КХИ-5-022-2013 «Внедрение технологии выращивания посадочного материала для озеленения, защитного лесоразведения и саженцев фисташки» (2013-2014 йй.) номли амалий ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum* L.) ва япон софораси (*Sophora japonica* L.) стандарт уруғкўчатларини етиштиришнинг илғор агротехникасини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларини униб чиқиш қобилиятини ошириш ва уруғкўчатларини ўсишига таъсир этувчи гетероауксин эритмасининг мақбул меъёрларини аниқлаш;

оддий сохта каштан уруғкўчатларининг парваришlashда ва сифатини яхшилашга гиббереллин ўстирувчи моддасининг мақбул меъёрлари ва қўллаш муддатларини аниқлаш;

уруғкўчатларни суғоришнинг самарали муддати ва меъёрларини аниқлаш;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг ўсишига ва сифатига таъсир этувчи минерал ўғитларнинг мақбул меъёри ва муддатларини аниқлаш;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг турли органларидаги асосий озуқа элементларининг миқдори ва кўчатзор тупроғида ҳаракатдаги озуқа моддалар миқдорини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг «Дархон» тажриба хўжалиги ва Тошкент шаҳар ҳокимияти таъсарруфидаги Манзарали боғдорчилик ва гулчилик МЧЖ тажриба кўчатзорида экилган оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum* L.) ва япон софораси (*Sophora japonica* L.) уруғкўчатлари ҳамда кўчатлари экилган тажриба кўчатзори бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** минерал ўғитлар, ўстирувчи моддалар ва суғориш режимининг кўчат сифатига таъсири кабилар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибаси, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услуби асосида амалга оширилди. Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии» (1977) қўлланмаси бўйича ўтказилди.

Тажриба ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитлари «Тошкент» метеостанцияси маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Оддий сохта каштан ва

япон софораси кўчатлари ўсишини жадаллаштирувчи агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган намунавий технологик хариталар бўйича баҳоланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк маротаба Ўзбекистонда оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларини униб чиқиш қобилятини ошириш ва уруғкўчатларининг ўсишига гетероауксин эритмасининг мақбул концентрацияли меъёрлари аниқланган;

оддий сохта каштан уруғкўчатларининг парваришlashда ўсиши суръатини оширишга ва сифатини яхшилашга гиббереллин ўстирувчи моддасининг мақбул концентрацияли эритма меъёрлари ва уни қўллаш муддатлари аниқланган;

уруғкўчатларни суғоришнинг самарали муддати ва меъёрлари аниқланган;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг ўсишига ва сифатига минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари ва уларни қўллаш муддати аниқланган;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг турли органларидаги асосий озуқа элементларининг миқдори ва кўчатзор тупроғида ҳаракатдаги озика моддалар миқдори аниқланган;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларини ҳисоб-технологик ҳаритаси ишлаб чиқилган ва у асосида иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг униб чиқишига гетероауксин моддасининг таъсири турлича бўлиб, 200 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов берилганда оддий сохта каштан уруғкўчатларини униб чиқиши назоратга нисбатан 11,76% га, бўйи 17,0% га, япон софораси уруғкўчатларида эса 7,7% га ва 11,6% га юқори бўлишига эришилган;

уруғкўчатларни суғоришда самарали муддати ва меъёрлари аниқланганда, оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатлари 4, 6 ва 8 маротаба суғорилганда уларнинг баландлиги ва илдиз бўғзининг диаметри кўрсаткичлари назоратга нисбатан юқори бўлган. Оддий сохта каштан уруғкўчатларини 8 маротаба суғорилганда назоратга нисбатан бўйига ўсиши 53,4% га, илдиз бўғзининг диаметри 32,2% га ва япон софораси уруғкўчатларни бўйи 40,9% га, илдиз бўғзининг диаметри 22,7% юқори бўлишига эришилган;

оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг ўсишига минерал ўғитларнинг юқори ўғит меъёри қўлланилганда, оддий сохта каштан уруғкўчатлари баландлиги назоратга нисбатан биринчи йили 18,5%, иккинчи йили 30,4% ва учинчи йили 43,0% га, япон софораси уруғкўчатларида ушбу кўрсаткичлар назоратга нисбатан тегишлича 35,9%, 37,5% ва 93,1% га юқори бўлишига эришилган;

бир йиллик оддий сохта каштан уруғкўчатларига гиббереллиннинг 20 мг/л концентрацияли эритмаси қўлланилганда кўчатларни бўйига ўсиши назоратга нисбатан 26,4% га баланд, илдиз бўғзининг диаметри 42,6% га қалинлашганлигига эришилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Кўп йиллик дала ва лаборатория ишларининг натижалари апробация комиссиялари томонидан ҳар йили ижобий баҳоланганлиги, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида илмий тадқиқотлар бўйича ҳисоботларни муҳокама этиб борилганлиги ва ижобий тақризга сазовор бўлганлиги, тажриба маълумотларини статистик усулларда таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда илмий тадқиқот ишларидаги самарали натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари бўйича республика ва чет элларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларини суғориш, ўстирувчи моддалар ва минерал ўғитлар билан озикланишнинг назарий асосланганлиги ҳамда уларнинг ўстиришда суғориш, ўстирувчи моддалар ва минерал ўғитларнинг мақбул меъёри ва қўллаш муддатларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика ўрмон хўжаликларида, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи субъектларда оддий сохта каштан ва япон софораси стандарт уруғкўчатларини кам сарф-харажат қилиб етиштириш бўйича илмий асосланган илғор агротехнологик тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Бунда, оддий сохта каштан уруғкўчатларини  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га меъёрида минерал ўғитлар билан озиклантириш, ўстирувчи модда гиббереллиннинг 150 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов бериш, тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 60-70% да бўлганда ва вегетация даврида 6 маротаба 750-800 л/га микдорида сув билан суғориш орқали ижобий натижаларга эришилган бўлса, япон софора уруғкўчатларига  $N_{90}P_{30}K_{30}$  кг/га меъёрида минерал ўғитларни қўллаш ва бунда тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 70-80% да 750-800 л/га меъёрдаги сув билан суғориш юқори самара берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оддий сохта каштан ва япон софораси стандарт кўчатларини етиштиришда парваришланишнинг илғор агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида:

«Оддий сохта каштан ва япон софораси кўчатларини жадал етиштириш агротехникаси бўйича» тавсиянома тайёрланиб, ушбу тавсиянома Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ўрмон хўжаликларига жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 03/18-4024-сон маълумотномаси). Натижада, «Бурчмулло» давлат ўрмон хўжалигининг кўчатзоридида 10 минг дондан зиёд оддий сохта каштан ва япон софорасининг стандарт уруғкўчатлари етиштирилган.

Тошкент вилоятининг Бурчмулло давлат ўрмон хўжалигида сохта каштан уруғкўчатларини парваришда  $N_{120}P_{90}K_{30}$  минерал ўғитлар ва 75 мг/л концентрацияда гиббереллин пуркаш агротехникаси, япон софораси

уруғкўчатларига  $N_{60}P_{30}K_{30}$  минерал ўғитларини бериш агротехникаси жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 03/18-4024-сон маълумотномаси). Натижада 10 минг дона оддий сохта каштан уруғкўчатидан 249890898 сўм, 10 минг дона япон софораси ўруғкўчатларидан олинган даромад 99939693 сўмга тенг бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган, ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳалий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, оддий сохта каштан ва япон софорасининг биоэкологик хусусиятлари ва халқ хўжалигида тутган ўрни, кўчатларини етиштиришда агротехник тадбирларни қўллаш тажрибаси таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти, дастури, услуби ва шароити**» деб номланган иккинчи бобида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур бўлган тадқиқот дастури ва уни ўтказиш услублари баён этилган. Дастурда белгиланган вазифалар дала ва лаборатория тажрибалари ёрдамида амалга оширилган. Тадқиқот олиб борилаётган майдоннинг иқлим шароити «Тошкент» метеостанцияси маълумотлари асосида ўрганилган. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларни униб чиқишида ўстирувчи моддаларни қўллаш бўйича тажрибалар Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида олиб борилган. Тажриба дала тупроқларида гумус 1,16%, умумий азот 0,022%, умумий фосфор 0,190%, калийнинг сақланиши 2,51%, ҳаракатчан озика элементлари миқдори:  $N-NH_3$ -36,2 мг/кг,  $N-NO_3$ -18,42 мг/кг,  $P_2O_5$ -32 мг/кг.

Уруғларни таҳлил қилиш ГОСТ 13056.4-75, стандарт уруғкўчатлар ГОСТ 3317-90, стандарт кўчатлар ГОСТ 24835-81 дан фойдаланиб аниқланди. Тупроқ ва ўсимлик таҳлилари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг агрохимё лабораториясида «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии» услубидан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Диссертациянинг «**Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларини етиштиришда ўстирувчи моддалар ва суғоришнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг унувчанлиги ва бир йиллик уруғкўчатларининг ўсиш кўрсаткичларига гетероауксин, гиббереллин ўстирувчи моддаларининг таъсири, уруғкўчатларини суғориш режимини натижалари келтирилган.

Гетероауксин моддасини уруғларни униб чиқиши ва уруғкўчатларни ўсишига таъсирини ўрганиш мақсадида, уруғларни экишдан олдин 10 соат давомида оддий сохта каштан ва япон софораси уруғлари 100 мг/л, 150 мг/л ва 200 мг/л концентрацияли гетероауксин эритмаларида алоҳида-алоҳида ивитилди ва вариантлар бўйича экилди. Назорат вариантыда эса, оддий сувда ивитилган уруғлар экилди.

Оддий сохта каштан уруғкўчатларининг биометрик кўрсаткичларига гетероауксин эритмасининг таъсири кузатилганда, 200 мг/л эритмаси билан ишлов берилганда бошқа вариантларга нисбатан униб чиқиши юқори бўлиб, назоратга нисбатан ўртача фарқ 11,8% ни, уруғкўчатларнинг ўртача бўйи 18,5 см, назоратга нисбатан 17,0% юқори бўлганлиги кузатилди. 100 мг/л ва 150 мг/л даги гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган вариантларда уруғларни униб чиқиши назоратга нисбатан 2,3% ва 7,8% юқори бўлиб, уруғкўчатларнинг ўртача бўйи назоратга нисбатан 5,6% ва 11,3% юқорироқ бўлди (1-жадвал).

Япон софораси уруғларни гетероауксиннинг 100 мг/л, 150 мг/л ва 200 мг/л концентрацияли эритмалари билан ишлов берилганда уруғкўчатларнинг биометрик кўрсаткичлари ўлчанди. Бунга кўра, япон софораси уруғларига 200 мг/л гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган вариантыда уруғкўчатларнинг ўртача бўйи 82,0 см бўлиб, назоратга нисбатан 18,2% юқори бўлганлиги кузатилди. 100 мг/л ва 150 мг/л даги концентрацияли гетероауксин эритма билан ишлов берилган вариантдаги таъсири эса, назоратга нисбатан 12,1% ва 9,0% юқорироқ бўлди. Уруғдорилар билан ишлов берилган барча вариантларда назоратга нисбатан ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлди.

Оддий сохта каштан кўчатининг ўсишига ўстирувчи гиббереллин моддасининг таъсири бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, гиббереллин билан ишлов берилган вариантларда икки ёшли оддий сохта каштаннинг уруғкўчатларида ўсиш жараёни жадал равишда тезлашган. Гиббереллиннинг 25 мг/л билан ишлов берилган ўсимликнинг бўйи 42,5 см, танасининг диаметри 13,7 мм бўлган бўлса, назоратда бу кўсаткич 36,4 см ва 12,3 мм га тенг бўлган. 50 мг/л концентрацияли эритма билан ишлов берилганда таксация кўрсаткичи бўйича 43,8 см, диаметри 14,2 мм, бўлиб,

**Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларига гетероауксин эритмаси билан ишлов берилганда уруғкўчатларнинг биометрик кўрсаткичлари (2009-2010 йй.)**

Тажриба вариантлари	Баландлиги, см	Диаметр, мм	Назоратга нисбатан баландлигининг фарқи		Назоратга нисбатан диаметри		Т	Р
			См	%	Мм	%		
Оддий сохта каштан								
Назорат (сув)	15,8±0,80	7,1±0,33	-	-	-	-	2,8	2,5
100 мг/л	16,7±0,93	7,5±0,20	0,9	5,6	0,4	5,6	3,0	2,2
150 мг/л	17,6±1,32	7,8±0,33	1,8	11,3	0,7	9,8	3,2	2,9
200 мг/л	18,5±1,36	8,0±0,48	2,7	17,0	0,9	12,6	3,3	2,5
Япон софораси								
Назорат (сув)	70,3±4,1	6,6±0,28	-	-	-	-	13,1	4,2
100 мг/л	77,0±4,2	7,2±0,23	6,7	9,5	0,6	9,0	14,4	3,8
150 мг/л	79,5±1,5	7,4±0,24	9,2	11,3	0,8	12,1	15,2	3,4
200 мг/л	82,0±5,0	7,8±0,21	11,7	11,6	1,2	18,1	15,5	3,6

назоратга нисбатан бўйининг баландлиги 7,4 см ва 1,9 мм га юқори бўлди. Танасининг энг юқори ўсиши икки ёшли уруғкўчатда 75 мг/л концентрацияли гиббереллин билан ишлов берилганда кузатилган. Бунда уруғкўчатларнинг бўйи 45,7 см, диаметри 15,5 мм бўлиб, назоратга нисбатан 9,3 ва 3,2 мм га ортиқ бўлди. Шу икки турдаги уруғкўчатларнинг ўсиб ривожланишига суғориш режими бўйича тадқиқот ишларимизда, оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларни ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлиб, вегетация давомидаги 4, 6 ва 8 маротаба суғорилди. Натижада кўчатларнинг бўйига жадал ўсиши таъминланди ва бунда суғориш олди тупроқ намлигининг ошиб боришига, натижада, оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатлари 4, 6 ва 8 маротаба суғорилганда ўсимликнинг бўйи ва илдиз бўғзининг диаметри кўрсаткичлари назоратга нисбатан юқори бўлган. Оддий сохта каштан уруғкўчатларини 8 марота суғорганда назоратга нисбатан бўйига ўсиши 53,4% га, илдиз бўғзининг диаметри 32,2% га ва япон софораси уруғкўчатларни бўйи 40,9% га, илдиз бўғзининг диаметри 22,7% юқори бўлишига эришилган;

Суғориш ва турли хил кўчат қалинлигининг оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг қуруқ модда тўплашига таъсири аниқланганда, оддий сохта каштан уруғкўчатларини суғориш олди тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 50-60% да ушлаб турилганда бир дона ўсимликнинг умумий массаси 111,7 г, илдиз тизимининг узунлиги 65,4 см га, 60-70% да ушлаб турилганда 116,0 г, илдиз тизимининг узунлиги 62,4 см, 70-80% да ушлаб турилганда бу кўрсаткичлар 115,8 г ва илдиз тизимининг узунлиги 60,3 см га тенг бўлди.

Япон софораси уруғкўчатларини суғориш олди тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 50-60% да ушлаб турилганда бир дона ўсимликнинг умумий массаси 450,8 г, илдиз тизимининг узунлиги 67,0 см га, 60-70% да ушлаб турилганда 585,2 г, илдиз тизимининг узунлиги 73,0 см, 70-80% да ушлаб турилганда бу кўрсаткичлар 594,67 г ва илдиз тизимининг узунлиги 84 см га тенг бўлди.

Оддий сохта каштан уруғкўчатларининг стандарт уруғкўчатлари 30 пог. м ҳисобида ҳисобланганда суғориш олди тупроқ намлигини ДНСга нисбатан 50-60% да ушлаб турилганда умумий кўчатлар сони 225 дона ва бундан олинган стандарт кўчатлар 203 дона ёки назоратга нисбатан 9,8% га юқори бўлганлигини кўрсатади. Суғориш олди тупроқ намлигини ДНСга нисбатан 60-70% да ушлаб турилганда умумий кўчатлар сони 211 дона ва бундан олинган стандарт кўчатлар 195 дона ёки назоратга нисбатан 12,0% га юқори бўлганлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар давомида япон софораси уруғкўчатларининг стандарт уруғкўчатлари 20 п.м ҳисобида ҳисобланганда суғориш олди тупроқ намлигини ДНСга нисбатан 50-60% да ушлаб турилганда жами кўчатлар сони 194 дона ва бундан олинган стандарт кўчатлар 186 дона ёки назоратга нисбатан 10,2% га юқори бўлганлигини кўрсатади. Суғориш олди тупроқ намлигини ДНСга нисбатан 60-70% да ушлаб турилганда жами кўчатлар сони 187 дона ва бундан олинган стандарт кўчатлар 177 дона ёки назоратга нисбатан 11,2% га юқори бўлганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг ўсиб ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг унувчанлиги ва бир йиллик уруғкўчатларининг ўсишига минерал ўғитларни таъсир этишини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Оддий сохта каштан уруғкўчатларига азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар юқори меъёрларда ( $N_{120}P_{90}K_{30}$ ) қўлланганда уруғкўчатларнинг яхши ўсиб ривожланиши кузатилди.

Жумладан, назорат вариантыга солиштириш натижаларига кўра, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда уруғкўчатларнинг бўйига ўсиши 11% га, илдиз қисмининг диаметри 13,9% га, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{60}$  кг/га қўлланилганда бу кўрсаткичлар тегишлича 21% ва диаметри 34,9% га, минерал ўғитлар  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га қўлланилганда мос равишда 42,9% га ва 39,5% га юқори бўлган (2-жадвал).

Япон софораси уруғкўчатларига минерал ўғитлар  $P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда уруғкўчатларнинг бўйига ўсиши 20,6% га, илдиз қисмининг диаметри 28,6% га, минерал ўғитлар  $N_{30}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилганда бу кўрсаткичлар тегишлича 32,8% ва диаметри 35,6% га, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилганда мос равишда 35,9% ва 44,9% га тенг бўлган.

Оддий сохта каштан уруғкўчатлари назорат вариантыда 47,2 г, илдиз тизими 37,6 г бўлган бўлса, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}$  кг/га меъёрда қўлланилганда бу кўрсаткичлар тегишлича 82,1 ва 73,1 г, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилганда бу кўрсаткичлар тегишлича 155,4 ва 156,1 г

ҳамда минерал ўғитлар  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га меъёрада қўлланилганда тегишлича 148,3 ва 126,6 г юқори бўлганлиги кузатилди.

**2-жадвал**

**Минерал ўғитлар қўлланганда уч ёшли оддий сохта каштан ва япон софораси кўчатларидан стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши (2009-2011 йй.)**


Вариантлар	H-бўйи, см D-диаметри, мм M±m	%	Жами, дона	Шу жумладан стандарт кўчатлар		P	T
				дона	%		
<b>Оддий сохта каштан</b>							
Назорат (ўғитсиз)	H 96,6±1,99 D 12,9±0,12	- -	400	331	82,7	1,34	1,68
$N_{60}P_{30}$	H 107,2±3,01 D 14,7±0,11	11,0 13,9	355	330	92,9	1,24	1,79
$N_{90}P_{60}$	H 117,0±3,4 D 17,4±0,36	21,1 34,9	364	341	93,6	1,54	1,81
$N_{120}P_{90}K_{30}$	H 138,1±2,82 D 18,0±0,34	42,9 39,5	395	378	95,6	1,26	1,74
<b>Япон софораси</b>							
Назорат (ўғитсиз)	H 258,9±16,6 D 22,7±0,49	- -	200	178	89,0	2,4	0,25
$P_{30}K_{30}$	H 312,3±11,7 D 29,2±0,48	20,6 28,6	197	186	94,4	2,1	0,2
$N_{30}P_{30}K_{30}$	H 344,0±0,33 D 30,8±0,76	32,8 35,6	196	185	94,3	2,3	1,3
$N_{60}P_{30}K_{30}$	H 352,0±0,40 D 32,9±0,80	35,9 44,9	198	193	97,4	2,2	2,4

Япон софораси уруғкўчатларини етиштиришда назорат вариантида уруғкўчатларнинг ер устки қисми 149,7 г ни, илдиз тизимининг массаси 131,2 г ни ва илдиз тизимининг узунлиги 83,2 см ни ташкил эган бўлса, минерал ўғитлар  $P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда уруғкўчатларнинг ер устки қисми 327,8 г ни, илдиз қисмининг массаси 343,79 г ни ва илдиз тизимининг узунлиги 97,6 см ни, минерал ўғитлар  $N_{30}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда уруғкўчатларнинг ер устки қисми 408,3 г ни, илдиз тизимининг массаси 330,09 г ни ва илдиз тизимининг узунлиги 108,8 см ни, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда уруғкўчатларнинг ер устки қисми 426,5 г ни, илдиз қисмининг массаси 333,29 г ни ва илдиз тизимининг узунлиги 123,2 см ни ташкил қилди.

Оддий сохта каштан уруғкўчатларини минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}$  кг/га қўлланилган вариантдан 352 дона ўсимлик олиниб, шундан 330 донаси, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{60}$  кг/га қўлланилган вариантда 364 дона ўсимликдан 341

донаси ва минерал ўғитлар  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда 395 дона ўсимликдан 378 донаси стандарт талабларига тўғри келади.

Япон софораси уруғкўчатларини минерал ўғитлар  $P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантдан 197 дона ўсимлик олиниб, шундан 186 донаси, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда 196 дона ўсимликдан 185 донаси ва минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}K_{30}$  кг/га қўлланилган вариантда 198 дона ўсимликдан 193 донаси стандарт талабларига тўғри келди (1-расм).



**1-расм. Минерал ўғитлар қўлланганда япон софораси кўчатларидан стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши**

Оддий сохта каштан уруғкўчатларининг тупроқдан озуқа элементларни ўзлаштириши қўлланилган минерал ўғитларнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{30}$  кг/га қўлланилганда 39,8 кг/га, ушбу меъёр ҳар бир ўғитда 30 кг дан оширилганда ( $N_{90}P_{60}$ ) – 40,2 кг/га ва ўғит меъёрлари яна 30 кг га оширилган ҳолда 30 кг калий ( $N_{120}P_{90}K_{30}$ ) биргаликда қўлланилганда – 35,8 кг/га азот ўсимлик билан олиб чиқиб кетилган. Худди шу тартибда фосфорли ўғитлар билан озуклантирилганда қўлланилган ўғит миқдорининг ортиб бориши билан 11,1; 8,3 ва 9,1 кг/га ва ушбу тартибда озиклантирилганда тегишлича 43,4; 42,8 ва 37,8 кг/га калий ўсимлик билан олиб чиқиб кетилган.

Ўғитлар қуйидаги меъёрларда солинган эди: азот 120 кг/га, фосфор 90 кг/га ва калий 30 кг/га (таъсир қилувчи моддаси ҳисобида) тупроқнинг намлиги вегетация даврида тупроқнинг дала шороитидаги тўлиқ сиғимининг 70-80%

микёсида ушлаб турилган. Азотли (мочевина), фосфорли (аммофос) ва калийли (калий хлор) ўғитлар 30 кг/га ҳисобида икки муддатда 2-3 дона барглари пайдо бўлганда ва уруғкўчатларнинг ўсиш даврида берилган.

Минерал ўғитлар, ўстирувчи моддалардан комплекс равишда қўлланганда тупроқнинг намлиги чегаравий нам сифмига нисбатан 70-80% да ушлаб турилганда оддий сохта каштан уруғкўчатларини бўйига ўсишини 30,5% га, илдиз бўғизини диаметрини 53,1% оширган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг ишлаб чиқариш синови натижалари ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида оддий сохта каштан кўчатларини жадаллаштирилган усулда етиштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари ва шу икки турдаги оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Кўчатларни етиштиришни тезлаштириш мақсадида уруғларни 2013 йил март ойида сийраклаштириб экилди. Бу эса ўсимликнинг озикланиш майдонини оширади. Ушбу мажмуавий агротехника (уруғларни сийраклатиб экиш, ўғитлаш, гиббереллин билан пуркаш ва мақбул суғориш тартиби) бўйича икки йиллик оддий сохта каштанни етиштирганда уруғкўчатларнинг биометрик кўрсаткичлари куйидагича бўлди: бўйи  $39,7 \pm 0,49$  см, диаметри  $13,6 \pm 0,26$  мм. ташкил этган, бундай натижалар тадқиқотларимиздаги тажрибалардан олинган кўрсаткичларга яқин бўлди ( $N_{120}P_{90}K_{30}$ : бўйи –  $53,4 \pm 2,37$ ; диаметр –  $14,6 \pm 0,19$ ).

Оддий сохта каштан ва япон софораси кўчатини етиштириш агротехникасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида технологик хариталар ишлаб чиқилган ҳамда мамлақтимизнинг ўрмон хўжаликларида етиштирилган бир дона оддий сохта каштан ва япон софора кўчатларининг ўсиш бўйича ўртача нарх-наволарини 2018 йил ҳисобида аниқланган.

Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, комплекс агротехнологияни қўлланилган вариантимизда бир дона оддий сохта каштан кўчатнинг ўртача умумий баҳоси 24,490 минг сўмни, агротехнология қўлланилмаган вариантыда 15 минг сўмни ташкил этган. Япон софораси кўчатининг комплекс агротехнологияни қўлланилган вариантыда бир дона кўчатнинг ўртача умумий баҳоси 10,43 минг сўмни, агротехнология қўлланилмаган вариантимизда 8,0 минг сўмни ташкил этган.

1 га кўчатзорда (122500 дона/га ҳисобида) оддий сохта каштан кўчатларини етиштирилишида агротехнологик услубни қўлланилганда соф фойда 3060951 минг сўмни, япон софораси кўчатларини етиштирилишида (131800 дона/га ҳисобида) агротехнологик услубни қўлланилганда соф фойда 1316793,9 минг сўмни ташкил этган.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқот натижаларига кўра, оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг 200 мг/л гетероауксин концентрацияли эритмаси билан ишлов берилган вариантда бошқа вариантларга нисбатан уруғларни униб чиқиши юқори бўлганлиги, бунда назорат вариантига нисбатан униб чиқиш қобилияти



оддий сохта каштан учун 11,7% га ва япон софораси учун 7,7% юқори бўлганлиги аниқланди.

2. Гетероауксин эритмаси билан ишлов берилганда оддий сохта каштан ва япон софорасининг ривожланиш фазаларининг тезлашиши ҳисобига 200 мг/л гетероауксин концентрацияли эритмаси билан ишлов берилган вариантда бошқа вариантларга нисбатан уруғкўчатларини ўсиб ривожланиши юқори бўлганлиги, бунда назорат вариантыга нисбатан оддий сохта каштан учун бўйига ўсиши 17% га диаметри бўйича ўсиши 12,6% ва япон софораси учун бўйига ўсиши 11,6% га диаметри бўйича ўсиши 18,1% юқори бўлганлиги аниқланди.

3. Оддий сохта каштан уруғкўчатларини парваришlashда гиббереллин ўстирувчи моддасини қўллаш юқори самара берди. Жумладан, ушбу препаратнинг 150 мг/л концентрацияли эритмаси қўлланилганда кўчатларни бўйига ўсиши назоратга нисбатан 25,0% га, илдиз бўғзининг диаметри 41,2% га ошганлиги аниқланди.

4. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларини ДНС га нисбатан 50-60%, 60-70% ва 70-80% да тупроқ намлигида ушлаб турилганда оддий сохта каштан уруғкўчатларни ДНС га нисбатан 60-70% да ушлаб турилгандаги варианты бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланиб, бўйига ўсиши 116,6 м ва диаметри бўйича ўсиши 16 мм бўлди, назоратда эса, бўйича ўсиши 76 см ва диаметрига 12,1 мм бўлган. Япон софораси уруғкўчатларни ДНС га 70-80% да ушлаб турганда бошқа вариантларга нисбатан ҳам юқори бўлиб, бўйига ўсиши 245,6 м ва диаметри бўйича ўсиши 17,8 мм бўлди, назоратда эса бу кўрсаткич бўйича ўсиши 174,3 см ва диаметрига 16,1 мм бўлганлиги аниқланди.

5. Қўлланилган минерал ўғитларнинг оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларининг ўсишига таъсири турлича бўлиб,  $N_{120}P_{90}K_{30}$  ўғит меъёри қўлланилганда оддий сохта каштан уруғкўчатлари бўйининг ўсиши назоратга нисбатан 43,0% га ва диаметри бўйича ўсиши 39,5%, япон софораси уруғкўчатларида ушбу кўрсаткичлар  $N_{60}P_{30}K_{30}$  ўғит меъёри қўлланилганда назоратга нисбатан бўйининг ўсиши назоратга нисбатан 36,0% га ва диаметри бўйича ўсиши 44,9%га юқори бўлди.

6. Оддий сохта каштан уруғкўчатларини  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га меъёрида минерал ўғитлар билан озиклантириш, ўстирувчи модда гиббереллиннинг 150 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов бериш, тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 60-70% да бўлганда вегетация даврида 6 маротаба 750-800 м<sup>3</sup>/га микдорида сув билан суғориш орқали бўйига ўсиши 30,5% ва илдиз бўғзининг диаметри 53,1% юқори бўлишига эришилди.

7. Япон софора уруғкўчатларини  $N_{90}P_{30}K_{30}$  кг/га меъёрида минерал ўғитлар билан озиклантириш ва бунда тупроқ намлиги ДНСга нисбатан 70-80% га тенг бўлганда 500,5-635,4 м<sup>3</sup>/га сув билан суғориш юқори самара берган.

8. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг униб чиқиши ва уруғкўчатларни фаол ўсишини таъминлаш учун уруғларни экишдан олдин 200 мг/л гетероауксин эритма билан ишлов бериш минерал ўғитларни  $N_{120}P_{90}K_{30}$  кг/га микдорида қўллаш ҳамда 150 мг/л микдорида гиббереллин ўстирувчи

моддаси билан ишлов берилганда стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши юқори бўлди.

9. Оддий сохтакаштан уруғини тупроқ намлиги ДНС га нисбатан 60-70% да бўлганда ижобий кўрсаткичларга эришилди.

10. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғкўчатларига комплекс агротехника қўлланилганда оддий сохта каштан уруғкўчатлари етиштирилганда гектаридан 3060951 минг сўм ва япон софораси етиштирилганда тегишлича 1316793,9 минг сўм/га соф фойда олинди.

11. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг униб чиқиши ва нихолларни фаол ўсишини таъминлаш учун уруғларни экишдан олдин 200 мг/л гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов бериш ва стандарт уруғкўчатлар миқдорини ошириш учун вегетация даврида оддий сохта уруғкўчатлари учун N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>30</sub> миқдорида минерал ўғитлар қўлланиши ҳамда ўстирувчи гиббереллиннинг 150 мг/л миқдордаги эритмаси мақбул меъёр сифатида тавсия қилинади.

12. Оддий сохта каштанни уруғидан экиб стандарт кўчат олиш мақсадида 1 пог. м. га 10 дона уруғини сийраклатиб экилиши ва уруғкўчатларни ўсиши ва ривожланиши учун оптимал шароитлар тупроқнинг намлиги ДНС га нисбатан 60-70% ни (уч йиллик оддий сохта каштан учун вегетация даврида 6 маротаба 750-800 м<sup>3</sup>/га миқдорида суғориш) тавсия қилинади.

13. Япон софорасининг уруғкўчатларини максимал даражада ўсиши ва ривожланиши учун N<sub>60</sub>P<sub>30</sub>K<sub>30</sub>кг/га миқдорида минерал ўғитлар қўлланиши ва тупроқнинг намлиги ДНСга нисбатан 70-80% га тенг бўлган миқдорда (бунинг учун 750-800 м<sup>3</sup>/га миқдорда саккиз маротаба суғориш) ушлаб турилиши мақбул шароити сифатида тавсия қилинади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

**УБАЙДУЛЛАЕВ ФАРХОД БАХТИЯРУЛЛАЕВИЧ**

**СОЗДАНИЕ АГРОТЕХНИКИ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ  
КОНСКОГО КАШТАНА И СОФОРЫ ЯПОНСКОЙ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.  
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx193.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Кожаметов Советбек Кожаметович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Каримов Фарход Исомиддинович**  
доктор сельскохозяйственных наук

**Хамроев Хусен Фатуллоевич**  
доктор философий по сельскохозяйственных наук

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт садоводства,  
виноградарства и виноделия имени академика  
Махмуда Мирзаева**

Защита диссертации состоится «20» март 2020 года в 15 часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером \_\_\_\_\_). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «7» март 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 01.1 от «28» февраль 2020 года).

**Б.А. Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
д.б.н., академик

**Я.Х. Юлдашов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,  
к.с.х.н., профессор

**М.М. Адиллов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В обеспечении экологической стабильности, озеленении населённых пунктов в мире огромное значение имеют декоративные деревья. Конский каштан и софора японская входят в ассортимент перспективных декоративных деревьев для озеленения. Конский каштан и софора японская выращиваются во многих странах Европы, Восточной Азии и Северной Америке при строительстве декоративных садов и парков, озеленении населённых пунктов и автомагистралей, а также в качестве лекарственных растений<sup>1</sup>. В США в среднем ежегодно выращивается 540 тыс. штук, в Англии 480 тыс. штук, в Украине 380 тыс. штук саженцев конского каштана, а также в Китае 700 тыс. штук, в Японии 235 тыс. штук саженцев и в Корее 25 тыс. штук софоры японской<sup>2</sup>.

В мире проводятся широкомасштабные исследования по развитию производства саженцев, при этом особое внимание уделяется увеличению выхода стандартных саженцев, сокращению сроков выращивания, повышению приживаемости саженцев, повышению качества декоративных насаждений садово-парковых комплексов и улучшению качества зелёных насаждений<sup>2</sup>. В проведённых научных исследованиях достигнуты значительные результаты по управлению ростом и развитием саженцев, повышению степени их сохранения, управлению приживаемостью при пересадке в зелёные насаждения саженцев конского каштана (*Aesculus hippocastanum* L.) и софоры японской (*Sophora japonica* L.).

